

Қабрдан келган нидо



08:06 / 07.11.2018 6791

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху замонида тақводор, намозини доимо масжидда жамоат билан ўқийдиган бир йигит бор эди. Ҳазрати Умар розияллоху анху уни ниҳоятда яхши кўрар эдилар.

Йигитнинг жуда қариб қолган отаси бор эди. Йигит ҳар куни хуфтон намозидан сўнг отасини зиёрат қилгани келарди.

Йўл бўйидаги уйлардан бирида яшовчи аёл бу йигитга ошиқ бўлиб қолди. Аёл ҳар кун йигитнинг йўлини пойлаб, уни ўзига оғдиришга ҳаракат қиларди. Ниҳоят, бир сафар йигит ўзини бошқара олмай аёлнинг ортидан эргашди. Бироқ остонадан кирар экан, Аллоҳни эсга олиб, хушёр тортди ва: **“Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирор васваса ушласа, (Аллоҳни) эслайдилар, бас, (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар”** (Аъроф, 201-оят) ояти каримани ўқиди-ю, хушсиз йиқилди.

Аёл дарҳол бир жориясини чақирди. Иккиси йигитни отасининг уйига элтиб, эшикни тақиллатдилар. Эшикни очган ота остонада беҳуш ётган ўғлини кўрди. Уни ичкарига олдилар. Йигит ярим тунда ўзига келди.

– Ўғлим, сенга нима бўлди? – сўради ота.

– Ҳеч нарса, ҳаммаси жойида.

Ота:

– Худо ҳаққи, менга тўғриси айт, – деб қўймагач, йигит бўлган воқеани гапириб берди.

– Ўғлим, сен қайси оятни ўқидинг? – дея сўради отаси.

Йигит ўша оятни такрор ўқигач, яна ҳушдан кетди. Қанча уринишмасин, ўзига келмади. Йигит жон таслим қилган эди. Ўша кечадаёқ уни ювиб, дафн этишди.

Эрталаб бўлган воқеани Ҳазрати Умарга етказдилар. Ҳазрати Умар келиб, йигитнинг отасига таъзия изҳор қилгач:

– Нега мени чақирмадингиз? – дедилар.

– Эй мўминлар амири! Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди, сизни безовта қилгимиз келмади, – деди ота.

– Ундай бўлса, юринг, бирга қабр бошига борайлик, – деди халифа ва икковлон у ерга етгач:

– Эй фалончи! – деб марҳум йигитни чақирди ва: **“Парвардигори (ҳузурида) туришдан (яъни, Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришидан) кўрққан киши учун икки жаннат бордир”** (Раҳмон, 46-оят) мазмунли оятни ўқиди.

Иттифоқо, қабрдан йигитнинг:

– Эй Умар! Сиз эслатган икки жаннатни Роббим менга икки бора инъом этди, – деган овози эшитилди.

“Қалбимизнинг нури” китобидан